

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

КАСБ ТАНЛАШ — КЕЛАЖАКНИ ТАНЛАШ, ДЕМАКДИР

Шу кунларда барча олий ўқув юртларида бўлгани каби Чирчиқ давлат педагогика институтида ҳам қабул жараёни қизгин тус олган. Туман ва шаҳар, қишлоқ ҳамда овуллардан олий маълумотли бўлиш истагида

келганлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Уларнинг аксарияти қайси йўналиш бўйича ҳужжат топширишни пухта ўйлаб қўйган бўлса, бу борада ҳануз бир қарорга келолмаганлар ҳам йўқ эмас...

Абитуриент — 2018



Институтдаги қабул жараёнида Президентимизнинг жорий йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарори муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Кадрларга эҳтиёж юқори, — дейди институт қабул комиссияси масъул котиби Баҳодир Хусанов. — Шу боис, соҳага мутахассислар тайёрлайдиган таълим масканимизда ёшларнинг замонавий билим олиши учун барча шароитлар яратилган. Жорий ўқув йилида институтнинг 21 та бакалавр йўналишига 1 минг 155 нафар, 7 та махсус сиртки таълим йўналишига

жами 690 талаба қабул қилиниши белгиланган. Шунингдек, қабул жараёнида ота-оналар учун қўшиқ жойи, соя-салқин хордиқ олиш масканлари ва қўлай ўриндиқлар ҳамда яхна ичимликлар сотуви ташкил этилган. Абитуриентларга қўлайлик яратиш мақсадида фото ускуналар ишлаб турибди. Институт қабул комиссияси томонидан талаб



этиладиган ҳужжатлар рўйхати, ўқув йўналишлари ва факультетлар тўғрисидаги маълумотлар акс этган махсус бурчаклар ташкил этилган. Комиссия ҳузуридаги маслаҳат гуруҳлари ёшларга қабул тартиби бўйича зарур тушунчалар бермоқда.

Қибрай агротижорат касб-ҳунар коллежини тугатдим, — дейди абитуриент Зилола Тўраева. — Энди педагогика йўналишида олий маълумот олиш мақсадида институтнинг психология факультетида ҳужжат топширдим. Насиб этса, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтсам, ўз касбининг етук мутахассиси сифатида таълим-тарбия ривож йўлида сидқидилдан хизмат қиламан.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, жорий йилда капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилган бош ўқув биносига 3 та лаборатория, 144 ўринли фаоллар зали, спорт мажмуаси мавжуд. Аудиториялар замон талаблари даражасида жиҳозланган.

Айни вақтда Тошкент давлат аграр университетига ҳам 2018 — 2019 ўқув йили учун қабул давом этмоқда. Жорий йилда университетга бакалавр таълими бўйича 6 та факультетнинг 20 та йўналишига 750 нафар, магистратура мутахассислигига эса 87 нафар талаба қабул қилиниши режалаштирилган. Бундан ташқари, 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб, ипакчилик ва тўтчилик йўналиши бўйича махсус сиртки бўлим ҳам очилди.

Давоми 2-бетда

Давлатимиз
раҳбарининг
2018 йил 20
апрелдаги

Эшитмадим, деманглар!

"Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарорини тадбиркорларимиз қувонч билан кутиб олганлари бежиз эмас.

ТАДБИРКОРЛИК УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИ

энди турли маъмурий ғов ва
тўсиқларсиз берилади

Негаки, ушбу қарор тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини бериш механизмларини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган турли маъмурий ғов ва тўсиқларни бартараф этишда улкан аҳамият касб этади.

Эндиликда июль ойининг биринчи санасидан бошлаб, юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш "Е-ИЖО АУКСИОН" ягона электрон савдо майдончасида, электрон аукцион орқали амалга оширилиши белгиланган. Мазкур жараёнларда ер участкаларини бериш бўйича материалларни йиғиш, қўриб чиқиш ва ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан келишиш фақат замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда юритилади.

Бу жараёнлар қандай кечиши кўпчиликка қизиқ бўлиши турган гап. Қолаверса, тадбиркорлик учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибларини билиб қўйганимиз фойдадан ҳоли бўлмайди.

Вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри корхонаси раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи Жасур Усмоналиев бизга бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

— Аввало, ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг туман (шаҳар) филиаллари биринчи навбатда мавжуд ерларни хатловдан ўтказиб, бўш ер участкалари рўйхатини тузиб чиқади. Жамланган маълумотларни ҳар ойнинг биринчи санасигача "YER

ELEKTRON" ААТ орқали туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига юборади. Ҳар бир ер участкаси бўйича рўйхатга ер участкасининг майдони (гектарда), унинг ер фонди тоифаси, мавжуд мажбуриятлар, қайси мақсадга мўлжалланаётганлиги ва бошқалар ҳақида қисқача маълумот илова қилинади. Ер участкаси чегаралари ва

аҳоли пункти ва кўчалар топографик харитада (координатли нукталари билан), бундай харита бўлмаган тақдирда — Google харитада кўрсатилади. Шунингдек, ер майдонининг камида икки томондан ўраб турган объектлар билан фотосурати ҳам жойлаштирилади.

Ер участкаси тўғрисидаги маълумотлар текшириб чиқилгандан сўнг ҳокимлик масъул вакили "Тасдиқлаш" ёки "Рад этиш" тугмасини босади. Туман (шаҳар) ҳокимлиги барча материаллар билан бирга рўйхатини олгандан сўнг беш иш кунинида ер участкаларидан мақсадли фойдаланишни белгилайди. Улар бўйича материалларни, ҳудудий архитектура шаҳарсозлик кенгашининг ҳулосасини ёки қарорини олиш учун туман (шаҳар) қурилиш бўлимига, Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига юборади.

Шаҳарсозлик ҳужжати мавжуд бўлган тақдирда туман (шаҳар) қурилиш бўлими уч иш кунини давомида ҳар бир ер участкаси бўйича ҳулоса тузади ва уни туман (шаҳар) ҳокимлигига юборади. Бўш ер участкасини танлаш материаллари бўйича кенгаш ҳулосасини ёки қарори белгиланган муддатларда тақдим этилмаган тақдирда, ер участкасини танлаш материаллари маъқулланган ҳисобланади.

Давоми 2-бетда

Ҳосилга ҳосил қўшиш долзарб икки ойлиги

Асл деҳқонлар яхши биладики, йилнинг об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши бир-биридан фарқ қилади. Қўлам серёгин ва салқин, ёз фаслининг ҳар йилгидан ҳам иссиқ бўлиши оқибатида ғўза бўйи олиб, кам ҳосил тўплаши, турли зарарли ҳашарот ва касалликлар ҳуружи кўпайиб кетиши кузатишмоқда. Бу, ўз навбатида, илмий асосланган агротехник тадбирларни, ҳусусан, озиклантириш, сугориш, қатор ора-ларига ишлов бериш, чилпиш ишларини мақбул муддатларда ўтказишни талаб этмоқда.

БУГУННИНГ ИШИ БУГУН БИТСИН,

эртанинг ўз юмуши бор...

Ғўзани чилпишнинг аҳамияти шундаки, бу билан вегетатив ва генератив массанинг мақбул нисбатда бўлиши таъминланади. Яъни, ғўзанинг бўйи билан баста бир-бирига монанд бўлиши керак. Агар бўйига ўсиб, ғовлай бошласа, бунда ўсимлик тупроқдан ўзлаштирган минерал озукка моддаларни кўпроқ ўсув шохлари ва барглари шаклланишга сарфлаб, улар шона, гул ва кўсақларга камроқ етиб келади. Бу эса ҳосил нишонларининг тўқилишига, кўсақларнинг тўлиқ етилмаслигига, кечикишига, охир-оқибат, ҳосил қўғи камайиб, тола ва чигит сифати пасайишига олиб келади. Шунинг учун ғўзанинг ғовлаб кетишига йўл қўймаслик керак. Озуқани ўсимликнинг генератив ҳосил органларига кўпроқ етиб боришини таъминлаш зарур. Ҳосил нишонларини тўқилишининг олдини олиш ҳамда кўсақлар пайдо бўлиши ва уларнинг етилишини тезлаштириш, бир сўз билан айтганда, эртанги мўл ва юқори сифатли пахта ҳосили етиштириш учун чеканка ўз вақтида ўтказилиши шарт. Бу, албатта, ғўзанинг яхши ўсиши ва ривожланишини таъминлайди. Қолаверса, кўлаб ҳосил нишонларини шаклланиб, кўсақка айланиши тезлашади. Шона, гул ва тугунчаларнинг ноқулай ташқи омиллар таъсирида тўқилиши камайд.

Маълумки, одатда июль ойида ғўзани озиклантириш яқунланади. Шундан сўнг сугоришга зўр берилади. Эгат ора-ларига бир неча марта ишлов берилганда илдиз кучли ва чуқур ривожланади. Тупроқда намлиқ ва минерал ўғитларнинг етарли бўлиши экиннинг баравж ўсишини таъминлайди. Шу билан бир қаторда баъзи жойларда ғовлаб, вегетатив биомасса орта бошлайди. Кўсақлар ўлчам ва вазни камайиб, зарарли ҳашаротлар кўпайишига шароит яратилади.

Давоми 2-бетда

Бугун мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларни қўриб, очиги, ҳаваси келади одамнинг. Яратилган бекиёс имкониятлар, энг асосийси, Юртбошимизнинг оталарча ишончи ва ғамхўрлиги эртамин давомчиларига катта шижоат ва ўқтамлик бахш этаётган бўлса, ажабмас. Бунга жавобан, улар юртимиз равақи, келажаги учун ўқиб, изланиб, элимиз қорига ярайдиган фарзанд бўлишлари лозим.

Салоҳиятли ёшлар — юрт истиқболи

Вилоятимиздаги олий таълим муассасаларида "Битирувчи — 2018" маросимларида иштирок этиб, қўнғимиздан мана шу ўйлар кечди.

Ҳусусан, Тошкент давлат аграр университетини жорий ўқув йилида 16 та бакалавр таълим йўналиши бўйича битираётган жами 1 минг 360 нафар талабанинг 307 нафари давлат гранти, 1 минг 53 нафари эса тўлов-шартнома асосида таҳсил олди. Шунингдек, университетнинг 20 та магистратура мутахассислиги бўйича 95 битирувчиси бўлиб, уларнинг 37 нафари давлат гранти, 58 нафари тўлов-шартнома асосида ўқиб, ўз соҳаси бўйича магистрлик даражасига эга бўлди.

Этиборли жиҳати, 96 битирувчи имтиёзли дипломга эга бўлди. Яна бир қувонарли ҳолат — битирувчиларнинг барчаси шартнома асосида, асосан, ўз мутахассисликлари

(72 фоиз) бўйича ишга жойлашди.

Бундан ташқари, Фаол тадбиркорлик ва инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили муносабати билан университет ҳамда Фермер ҳўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази ҳамкорлигида битирувчилар учун "Бизнес режа тузиш" ўқув курслари ташкил этилди. Семинар-тренинг кўринишидаги машғулотлар яқунлари бўйича мингдан ортиқ талабаларга махсус сертификатлар топширилди.

Битирувчиларга диплом топширишга бағишланган маросимда сўз олган университет ректори, академик Ботиржон Сулаймонов мамлакатимизда салоҳиятли кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг орзу-интилишлари ва ташаббусларини

Оқ йўл, битирувчилар!



қўллаб-қувватлаш борасида тизимли имкониятлар яратилаётгани, булар ўзининг улкан натижаларини кўрсатиб, юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим омилга айланиб бораётганини мамнуният билан қайд этар экан, битирувчи ёшларга келгуси фаолиятларида омад ва зафарлар тилади.

Маросим доирасида университетда ўқиш мобайнида ўзининг аъло баҳолари ва намунали ҳулки билан бошқаларга ўрнак бўла олган, жамоат ишларида фаол иштирок этган талабалар ректорат томонидан тақдирланди.

Ирода МУҲАММАДИЗОВА,
"Маънавият ва маърифат"
маркази вилоят бўлими
етакчи мутахассиси

Нурафшон шаҳрида йилнинг биринчи ярмида жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган фуқароларни ижтимоий муҳитга мослаштириш бўйича амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлигида

Қайд этилганидек, бу вақт мобайнида шаҳар ва туман ижтимоий мослашув марказларига 1 минг 166 нафар шахс мурожаат қилган.

Афсуски, уларга зарур ижтимоий кўмак бериш даражасини барча ҳудудларда ҳам бирдек ижобий баҳолаб бўлмайди. Ишга жойлашиш, бир марталик ёрдам пули олишда муаммоли вазиятларга дуч кел

лаётганлар ҳам учраб турибди. Масалан, Олмалиқ шаҳрида жазони ижро этиш муассасаларидан қайтганларнинг 36 нафарига моддий ёрдам пуллари асоссиз равишда берилмаган. Ҳозирда юқори идоралар аралашуви ва қўрилган чоралар натижасида мазкур муаммо бартараф этилган.

Баъзан алоҳида ижтимоий мададга муҳтож

ҲАЁТНИ ЯНГИДАН БОШЛАШ МАСЪУЛИЯТИ



бўлган бундай фуқароларни ишга жойлаштириш масаласида ҳам ўзибўларчиллик ҳолатлари учрамоқда, — дейди вилоят ҳокимлиги ижтимоий мослашув маркази бош мутахассиси



Соғлиқни сақлаш бўлимида эса уларни қабул қилиб, тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида шунчаки қўзиб юборилмоқда. Бу каби ҳолатлар маҳал

лий мутасадди идоралар раҳбарлари мазкур масалага эътиборни кучайтиришлари лозимлигини англатади.

Йиғилишда шу каби масалалар ечимини то

пиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ тақлиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

Ўз муҳбиримиз
Р. МИРЗАКУЛОВ
олган суратлар

2018 йилнинг қолган даври учун «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталарига обуна давом этмоқда!

– Масъулиятли жараёнга жиддий тайёргарлик кўрилди, – дейди қабул комиссияси масъул котиби Иномжон Исроилов. – Хужжатларни топшириш пайтида навбат кутиш-

бўлиб, бир вақтнинг ўзида 700 нафар абитуриент ариза ёзиши мумкин. Ушбу заллар керакли жиҳозлар билан таъминланган ва тиббиёт хонаси ташкил қилинган.

Шунингдек, хорижий фуқаролар, ҳарбий имтиёзга эга, ҳарбий хизматчилар фарзандлари ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳужжатларини қабул қилиш учун

масъул ходимлар бириктирилди.

Университет маъмурияти томонидан абитуриентлар ва ота-оналар учун барча қулайликларга эга бўлган кутиш,

учун муножаатлар маркази ҳам иш бошлади. Марказда мутахассислар онлайн ва телефон орқали қилинган муножаатларга тезкор жавоб қайтаришади.

– Мен бугун “Қишлоқ ҳўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги” йўналишига ҳужжат топширдим, – дейди Бўстонлик туманилик Даврон Тўрабоев. – Оиламиз, қолаверса, маҳалламиз аҳлининг аксарияти деҳқончилик билан шуғулланади. Келажақда шу йўналиш бўйича таҳсил олиб, аграр соҳанинг етук мутахассиси бўлмоқчиман.

Маълумотларга кўра, олийгоҳда таҳсил олиш ниятида ҳозирги кунгача уч мингдан ортиқ абитуриентлар ҳужжат топширишган.

Эрли НОРБЕКОВ,
Зухриддин РАҲМОНОВ,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбирлари
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган суратлар

КАСБ ТАНЛАШ – КЕЛАЖАКНИ ТАНЛАШ, ДЕМАКДИР

ларнинг олдини олиш мақсадида таълим йўналишларининг қабул квоталарига мувофиқ, абитуриентлар ҳужжатларини қайд қилиш китоблари сони оширилиб, ҳар бирига алоҳида масъуллар тайинланди. Давлат тест марказининг махсус дастурига киритиш учун компьютерлар қўйилди. Бу юмушларга 100 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар ва ишчи ходимлар жалб қилинди.

Хужжатларни қабул қилиш учун тўртта зал тайёрланган

◀▶ Бошланиши 1-бетда



дам олиш ва овқатланиш жойлари ҳозирланган.

Қабул комиссияси ҳудудига қираверишда ахборот-маслаҳат хонаси мавжуд. Факультетлар, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг мазмуни ва имкониятларини ифодаловчи баннерлар, видеороликлар, тақдимотлар ва буклетлар тайёрланган. Бу ерда абитуриентлар ўзлари танлаган йўналиш бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлишади.

Бу йил янгилик сифатида абитуриентлар ва ота-оналар

ДИНАНАНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

“Китобни илк бора қўлга олган куним сира ёдимдан чиқмайди. Кечагидек эсимда: биринчи ўқиган китобим “Сариқ девни миниб” эди...”

Бу “Ёш китобхон” кўрик-танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринни эгаллаган Диана Алибеванинг сўзлари.

◀▶ Ёшлар овози

Дарҳақиқат, Диана болалигиданоқ китобни ўзига энг яқин дўст, деб билди.

– Китобнинг инсон маънавий тафаккурини бойитиб, дунёқарашини кенгайтиришдаги ўрни беқиёс. Улуг аждодларимиз болалик чоғлариданоқ китобни ўзлари учун доимий ҳамроҳга айлантирганларки, бунга тарих гувоҳ. Имом Бухорий бобомиз 10 ёшга етмасдан минглаб ҳадисларни, ибн Сино бобоқалонимиз эса шу ёшларида муқаддас Қуръони каримни ёд билганлар, ал-Фарғоний бобомизнинг 70 тилни ўрганишида ҳам китоб энг яқин кўмакчи бўлган. Буюк Соҳибқирон Амир Темури ҳам китобни бўёқдорлик ва яратувчанлик мезони, деб билган ва бунга бир умр амал қилган. Ҳазрат Мир Алишер Навоий эса беш ёшида бутун бошли “Мантиқ ут-тайр” асарини ёд олган. Шахнинг буюклик чўққисига етишишида китобнинг ўрни беқиёс. Китобни юқоридаги далиллар яна бир бор исботлаб турибди, – дейди ёш китобхон Диана Алибеева.

Диананинг болалигидан китоб билан ошно бўлишда, албатта, оиладаги муҳит ҳам катта ўрин тутди. Унинг отаси ҳам,

онаси ҳам ўқитувчи. Отаси – Мурод Алибеев Нурафшон шаҳридаги 19-умумтаълим мактабида кимё-биология фанларидан ўқувчиларга сабоқ беради. Ўз навбатида, мактаб раҳбарининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари ҳамдир. Онаси – Дилнавоз Алибеева эса, шаҳардаги 48-умумтаълим мактабида бошланғич синфларга ҳарф танитади. Кексалик гаштини сураётган бобо-бувиси ҳам китобни кўзойнақсиз ўқийдиганлардан...

Ўрта Чирчиқ туманидаги 72-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Д. Алибеева таълим-тарбия жараёнида ҳам фаол ва тиришқоқ. Айниқса, она тили ва адабиётга қизиқади, фаннинг сир-асрорларини мукаммал эгаллашга иштиёқманд. Маҳоратли муаллимлари Ойниса Шаропова ҳамда Ойдин Охунжонованинг дарсларида ўз кўникма ва малакаларини мустаҳкамламоқда.

Дарвоқе, Диана нафақат зукко китобхон, балки она тили фани билимдони ҳамдир. 9-синф ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган “Фан олимпиадаси”нинг вилоят босқичида

фахрли 3-ўринни эгаллади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган “Мен, бобо-бувим, ота-онам – китобхон оила” кўрик-танловининг республика босқичида Алибеевлар оиласи иккинчи ғолибга кўтарилди.

– Диана нафақат ўқишда, китоб мутолаасида, балки Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида ҳам фаолдир, – дейди мактаб ёшлар етакчиси Исроим Каримов. – Иттифокнинг мактабдаги бошланғич ташкилотида маънавий-маърифий ва ахлоқий ишлар йўналиши сардор сифатида турли кўрик-танлов ва маърифий тадбирларнинг ташкилотчиси. “Ёш китобхон” танловининг бу йили мавсуми бошланганини эшитиб, биринчилардан бўлиб ариза топширди. Саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган зийрак китобхонимиз танловнинг туман босқичига ҳозирлик кўрмоқда.

Диана шеърят шайдоси эканини ҳам таъкидлаш жоиз. Классик ва замондош шоирларимизнинг юзлаб ашъорларини ёд олиш баробарида етук тилшунос олимпиа бўлиб етишиш мақсадида тимисимиз изланаёпти. Келажақдаги орзуси эса филология билимдони бўлиб, илмий иш ёклаш.

Диананинг ойдин ва ёрқин манзилларга етишида китоб ҳамisha ҳамроҳ бўлган.

Отабек ИСРОИЛОВ

ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР САРҲИСОБИ

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда ўтган ой учун белгиланган режа ва топшириқларнинг бажарилиш натижалари муҳокама қилинди.

◀▶ Якун ва режалар

Меҳнат жамоаси белгиланган режа-топшириқларни муваффақиятли бажаргани, бунда заҳматкаш қончи-металлургиянинг муносиб улуши борлиги таъкидланди. Шунга қарамай, айрим қорхоналарда суствашилик қулатилаётгани ҳам танқид қилинди.

Шунингдек, узоқ йиллардан буён белгиланган вазифаларни оғишмай бажариб келаётган “Чодак” кон бошқармаси ва 2-мис бойитиш фабрикаси раҳбарияти ҳамда жамоасига алоҳида миннатдорчилик билдирилди. Ушбу икки жамоанинг муносиб меҳнатини рағбат-

лантириш бўйича тегишли мутасаддиларга кўрсатма берилди.

Йиғилишда жорий йилда илк мавсумни бошлаган Бўстонликдаги “Гулзор” болалар соғломлаштириш оромгоҳининг ошхона хизматида учраган салбий ҳолатлар ҳақида тўхталинди. Бундан буён

оромгоҳларда юқоридаги каби нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик учун тегишли вазифалар белгилаб берилди. Йиғилиш якунида Тошкент давлат техника университети ва “МИСИС” мутасаддилари томонидан 2018/2019 ўқув йили бўйича кундузги ва сиртки ўқишга қабул, белгиланган тартиблар, жорий этилган ўзгариш ва янгиликлар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Ўз мухбиримиз

Чилпишнинг амалий аҳамияти шундаки, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши 7-8 кундан 10 кунгача тезлашади. Ҳосилдорлик 3-5 центнердан 8 центнергача ошади. Тола сифати яхшиланади, кузги экинларни мақбул муддатларда экиш учун ҳам қулай шароит яратилади.

Ќўзани чилпишни тупроқ иқлим шароити, навларнинг хусусияти, ўсиши ва ривожланиш ҳолати, қўчат қалинлигига қараб, юқори ва ўртача унумдор тупроқлар шароитида ўсимликда 12-13 та, унумдорлиги паст ерларда эса 11-12 та ҳосил шохли шаклланишда ўтказиш бугунги кунда энг мақбул муддат ҳисобланади. Агар ғўза қўшқатор усулда экилиб, парваришланаётган бўлса, бундай даладарда 10-11 та ҳосил шохли шаклланишда чилпиш тавсия этилади.

Деҳқонларимизга ғўзани чилпишнинг бир неча усули маъ-

лум. Чеканка қўлда бажарилганда поянинг уч қисмидан (ўсув нуктасидан) 1,0-1,5 см. чимдиб олинади. Бу жараёнда ҳар бир ишчида, албатта, этак бўлиши, чимдиб олинган ғўза қисми даладан ташқарига олиб чиқилиб,

вожланади ва қаторлар бирлашиб кетади. Ғўза бир-бирига соя бериб, пастки қаватдаги қўсақлар етилмайди, аксинча, кичрайиб, айримлари чирийди ҳам.

Механик усулда чилпиш қўл

гул ва тугунчалар пичоқ тигига ўраб, кесилиб кетади ва бунда ҳарил нисбатан камайиши мумкин.

Кимёвий чилпиш замонавий ва тежамкор усул ҳисобланади. Ортиқча қўл меҳнати талаб этил-

БУГУННИНГ ИШИ БУГУН БИТСИН,

эртанинг ўз юмуши бор...

қўмиб ташланиши керак. Шундай қилинганда ғўзанинг учидан қўсақ қўртининг тухумлари ҳам бир йўла даладан олиб чиқиб кетилади. Ғўзани қўлда чилпиш икки босқичда ўтказилиб, аввал асосий бош поянинг энг уч қисми юлиб олинади, сўнгра орадан 7-8 кун ўтгач, аввал чилпилмаган паст бўйли ғўзалар ва ён шохларнинг учи чилпинади. Агар ён шохлар чилпилмаса, улар тез ўсиб ри-

меҳнатини енгиллаштирилади. Бундан трактор култиватори олди-га осылган махсус мослама 80-100 сантиметр баландликда ўрнатилиб, култивация даврида ғўзанинг юқори қисми махсус пичоқлар ёрдамида кесиб кетилади. Бу усулда ҳам бўйи паст ғўзалар ва ён шохларни яна қайта чилпиш талаб этилади. Механизм ёрдамида чилпиш вақтида баравж ривожланган ғўза тулларидаги етилган шона,

майди ва қайта-қайта ўтказишга зарурат қолмайди. Бунда чилпиш учун тавсия этилган дорилар белгиланган миқдорда ғўзани суғоришдан 5-7 кун аввал ёки суғоришдан 5-7 кун кейин тракторга ўрнатилган ОВХ ва бошқа пуркагич мосламаларда сепилади. Бугунги кунда ғўзани чилпишда “Сожеан”, “Эн-тожеан”, “Гуммамакс”, “Узгуми”, “Гуммигранд” ва бошқа препаратлар тавсия этилади.

ЮРТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

қиска ва лўнда сатрларда

Солиқ идорасига бориш шарт... Эмас

Ўзбекистон Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги аҳоли орасида талаб юқори бўлган хизматлар кўрсатишга эътиборни янада кучайтиради.

2018 йил 1 сентябрдан жисмоний шахслар бу марказларда СТИР (солиқ тўловчининг идентификация рақами)ни олишлари мумкин бўлади.

Шунингдек, Давлат хизматлари марказларида ту-

рилганликни қайд этиш, адлия органлари ва муассасаларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга аполиш қўйиш, ФХДЁ ва нотариат органлари томонидан архив ҳужжатларини олиш имкони пайдо бўлади.

Боболарга муносиб издошлар

Болгариянинг Бургас шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида математика бўйича ўтказилган Халқаро мусобақада юртимиз ёшлари битта олтин, 2 та кумуш, 2 та бронза медални қўлга киритишди.

Мактаб ўқувчиларининг Халқаро математика мусобақаси (International Mathematics Competition) дунёнинг энг иқтидорли ўқувчилари учун катта ва муҳим форум ҳисобланиб, унда иштирок этиш ҳар

бир мамлакат учун шарафдир. Мазкур нуфузли мусобақада бешинчи марта иштирок этган Ўзбекистон терма жақтидорли ўқувчилари умумжамоа ҳисобида энг кўп медал олишга муваффақ бўлди.

Ҳайдовчилик гувоҳномасининг муддати қанча?

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автомобилотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намуналари жорий этилган эди.

Янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари бевоқифа алоқасиз амалга ошириш имконини берувчи махсус электрон белги (NFC чип) га эга пластик карталар шаклида тайёрланади.

Амалдаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини янги намунадагиларга алмаштириш жараёни 2017 йил 1 октябр-

дан бошланган бўлиб, 2020 йил 31 декабрда тугайди.

Янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг амал қилиш муддати 10 йил.

Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасига эгасининг шахсини тасдиқловчи расмий давлат ҳужжати мақоми берилган.

Тошкент кўчасида от сайли

Тошкент шаҳри марказида аҳоли ва пойтахт меҳмонлари илк бор отлар иштирокида ажойиб тадбир гувоҳ бўлишди.

От спорти бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари, Ўзбекистон давлат ҳавфсизлик хизмати чегара қўшини, Ички ишлар вазирлиги қўшидаги патруль-пост ва кўриклаш хизмати, Миллий гвардиянинг фахрий

қоровуллари иштирокида ўтказилган ушбу тадбир йил-йилгиларда ажойиб таассурот қолдирди.

Бундай чиқишлар орқали мамлакатимиз аҳолисини от спортига қизиқтириш мақсади қилиб қўйилган.

Маҳалладан маълумотнома керакми?

Адлия вазирлиги томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг (маҳалла) маълумотномалари ва бошқа ҳужжатларини тақдим қилиш талабини бекор қилишга қаратилган Ҳукумат қарори лойиҳаси тайёрланди.

Таҳлилларга кўра, амалиётда маҳаллалар томонидан аҳолига бериладиган маълумотнома ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатларни бериш тартиби ҳақдан зиёд бюрократлаштирилган, баъзи ҳолларда эса уларни бериш учун ноқонуний тўлов олиш ҳоллари кузатишмоқда.

Бундан ташқари, ушбу органларда маълумотлар йўқлиги сабабли, берилган маълумотномалардаги ахборотларни асосли ва тўғри, деб бўлмади.

Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган қарор лойиҳасида 49 та норматив-

ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган, маҳалла маълумотномалари ва бошқа ҳужжатларни олиш талабларини бекор қилиш назарда тутилди.

Ўз навбатида, маҳаллаларнинг оиланинг моддий аҳоли, аъзолари (қариндошлик даражаси) ва бошқа ҳужжатлар (кафолат ва қафиллик хатлари, ёзма тавсиялар ва илтимосномалар) бериш ҳуқуқи сақланиб қолади. Бундан ушбу ҳаракатлар халққа энг яқин тузилма ҳисобланган ўзини ўзи бошқариш органлари вазифаларига тўлиқ мос келиши ҳисобга олинди.

Турли манбалардан олинган сўнги

янгиликлар асосида тайёрланди

“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Абдусалим МАҲМУДОВ
экиб олди

◀▶ Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, мақом санъати ўз қадр-қиммати йўқотмай, асрлар давомида сайқалланиб келмоқда. Эндилкида ўсиб келаётган ёш авлодининг мумтоз мусиқа бўлган қизиқишини янада орттириш мақсадида мақом маркази томонидан боғча тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари учун мумтоз халқ куйлари киритилган дастур ишлаб чиқилгани ҳам бу йўлда қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди, десак янглишмаймиз.

Шунингдек, республикада мақомчилиқни ривожлантириш мақсадида мусиқа ва санъат мактаблари, лицей ва коллежларда "Ёш мақом ижрочилари" ҳамда М. Қори-Ёқубов номидаги мақомчилар танловлари ўтказиш мунтазамлик касб этмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида ўтказилган халқаро "Истеъдод" танловида ҳам бир қанча ёш мақомчилар ўз чиқишлари билан барчани ҳайратга солиди. Бу ёш созанда ва хонандаларимизнинг мақом илмини катта қизиқиш ва масъулият билан ўрганаётганликларини кўрсатади.

Яхши биламизки, анъанавий ижрочилик кўпроқ ўрта ёшдан ошган авлод билан

боғлиқ бўлиб келган. Лекин, кейинги пайтларда унинг сафи ёшлар ҳисобига кенгайгани кўпчиликка маълум. Анъанавий мусиқани, мақом ижрочилигини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида оммалаштириш, шубҳасиз, катта

Абдулазиз Абдурасулов, Шо-рахим Шоумаров, Юнус Ражабий, Фахриддин Содиқов каби устоз санъаткорларнинг ижоди, ижро услублари авлодлар меҳрини қозонгани ва доим ардоқда эканлигини эътироф этиш жоиз.

моқда. Мақомлар дарс сифатида ўтилиши муҳим, лекин бу жараёни махсус дастурлар, яъни ёзма манбаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Шу ўринда Юнус Ражабий ижодига ёшлар учун энг за-

«ТОШУБДИР УЧҚУНИНГ БАҒРИМГА...»



Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 3 август кунини мамлакатимиз ижодкор зиёлилари билан бўлиб ўтган тарихий учрашувда миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган долзарб масалалар ва уларни ҳал этиш йўллари, бу борада ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдига турган муҳим вазифалар ҳақида сўзлаб, миллий мусиқамизнинг устуни бўлган мақом халқимизнинг ифтихори, боқий мероси эканлигини таъкидлаган эди. Худди шу учрашувда республикада мақом маркази, вилоятларда мақом билан шуғулланадиган бадиий жамоалар бўлиши кераклиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Боқий мерос

воқеадир. Бунинг аҳамиятини кўпроқ шу соҳанинг мавқеи, унга тегишли мероснинг нечоғлиқ муҳим эканлигини дилдан ҳис этадиганлар чуқурроқ англайдилар, албатта. Бу ўринда мақом санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Ота Жалол, Ота Ғиёс, Ҳожиҳон Болтаев, Эрка Қори, Мулла Тўйчи ҳофиз, Ҳожи

Бунинг аҳамиятини кўпроқ шу соҳанинг мавқеи, унга тегишли мероснинг нечоғлиқ муҳим эканлигини дилдан ҳис этадиганлар чуқурроқ англайдилар, албатта. Бу ўринда мақом санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Ота Жалол, Ота Ғиёс, Ҳожиҳон Болтаев, Эрка Қори, Мулла Тўйчи ҳофиз, Ҳожи

рур ва муҳим сабоқлар мавжудлигини айтиш керак. Анъанавий мусиқа ижрочилигига меҳр қўйган ҳар бир ёш хонанда ва созанда бу алломанинг ижодидан баҳраманд бўлиши зарур.

Юнус Ражабийнинг "Шашмақом", мақом йўлларига мансуб куй ва ашулалари, шунингдек, бошқа бастакор-

ларнинг асарлари ва халқ ижодиёти намуналари мусиқа сабоғини оловчи ёшлар учун илк қадамданок беминнат қўллана бўлиши табиий.

Устоз ижодининг серқирралиги ва айнан ижрочилиқнинг турли табақалари ва хусусиятларини назарда тутганлиги улардан қолган китобларда ўз аксини топган. Алломанинг "Шашмақом" ва бошқа турли мусиқа намуналари, пластинка ва магнит тасмаларига муҳрланган ёзувлари нафақат мусиқа сабоғини оловчилар, балки уни ўргатувчилар учун ҳам қимматли, ишончли ва жонли манбадир.

Одатда, устоздан сабоқ олиш, меросини ўрганиш жараёнида ёшлар умумбашарий қоидаларни ҳам, муносабатларни ҳам ўзлаштирадилар.

Юнус Ражабийнинг боқий мероси ёшларни шакллантирувчи, улар ижрочилигини тўғри ўзганга солувчи бебаҳо хазинадир. Бунинг мақом ижрочилари танловларида қатнашиб, устозлар эътирофи ва мухлислар олқишини олаётган ижрочилар мисолида яққол кўраямиз.

Иқбол ТОШҲУЛАТОВА,
Ўзбекистон давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедраси доценти

Жазирамага тобингиз қалай?



Республика Гидрометеорология маркази кузатувларига кўра, шу кунларда мамлакатимизда ўртача кўп йиллик кўрсаткичлардан 5-7 даража юқори бўлган иссиқ об-ҳаво "хукмронлик" қилмоқда. Кундузи ҳаво ҳарорати кўпгина ҳудудларда 45-48 даражагача кўтарилиб, гармсел шамоллари қайд этилмоқда.

Чилла

Табиийки, бундай жазирама одам ҳаётига хавф туғдириши мумкин. Бундай вақтда юрак ва қон босим касалликлари билан оғирганлар, ҳомиладор аёллар ва болалар, кексалар, айниқса, эҳтиёт чораларини кўрганлари маъқул.

Мутахассисларнинг таъкидича, инсон тана ҳарорати 37,1 даражадан кўтарилиши саломатлик билан боғлиқ муаммоларни кўзгаши мумкин. Ўз навбатида, бу ҳол дастлаб тананинг қизаришига ва қулни чанқоққа сабаб бўлади. Кейинчалик, ҳушдан кетиш, нафас қисилиши ва, ҳатто, юрак тўхташига олиб келиши мумкин.

Шу боис, турли манбаларда кенг тарқалган, жазирамадан сақланиш ва у тўғрисида келиб чиқиши мумкин бўлган нохушликларнинг олдини олиш борасидаги айрим тавсияларни келтиришни ўринли, деб ҳисоблаймиз.

● **Жазирама иссиқ натижа-сида офтоб урганда, зудлик билан соя жойларда сақланинг, душ қабул қилинг ёки шамол бор жойга ўтинг ва аста-секинлик билан кўпроқ сув истеъмол қилинг.**

● **Офтоб уришидан сақланиш мақсадида илҳом бори-ча баданингизни совути-тишга ҳаракат қилинг.**

● **Жазирама иссиқ кунда ёнғин хавфи келиб чиқиши мумкинлигини ёдда тутинг.**

● **Иссиқ кунда сув истеъ-моли ҳажминини кўпайтириш керак. Бунда организмнинг сув танқислигини тўлдириш учун газланган ёки нектар эмас, аксинча, оддий ичим-лик сувини истеъмол қилиш керак.**

● **Энг иссиқ пайтда – 12:00 дан 16:00 гача кўчага чиқ-маслик ва, айниқса, қуёш тигида юрмаслик лозим. Кунингизни шундай режа-лаштирингиз, бу вақтда ишда ёки уйда бўлинг.**

Мунтазам равишда озода-

лика рия қилиш тананинг самарали нафас олишига ёрдам беради. Чўмилганда сув ҳароратига эътибор қара-тиш керак. Муздек сув билан ювиниш тана ҳароратини кес-кин ўзгартириши натижаси-да пневманияга сабаб бўли-ши мумкин.

Албатта, очик сув ҳавза-ларида чўмилиш мумкин, аммо чўмилиш таққилган ҳавзаларда бу қатъиян ман этилади. Очик сув ҳавзалари-да сув ва ҳаво ҳароратидаги кескин номуносиблик чўкиш билан боғлиқ аянчи ҳодиса-лар хавфини оширишини ҳаммаё ёдда сақлаш керак.

Бундай иссиқ кунда кам ҳаракатлилиқ гипертония, юрак-томир касалликлари ва тромбоз ривожланишига олиб келади.

Иссиқ кунда кўпроқ совуқ таомлар фойдали. Ёғли сут ва гўшт маҳсулотларини истеъмол қилманг, балиқ ва сабзавот маҳсулотлари бе-зизёрдан. Сутли маҳсулотлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозимки, расталарда қуёш нури тушиб турган ҳамада яроқлилик муддати ўтиб кетган маҳсулотлардан эҳтиёт бўлиш керак.

Албатта, таомларни туз билан тановул қилинг, чунки юқори ҳароратда, тананинг терлаши натижасида кўп миқ-дорда натрий моддаси йўқо-тилади.

Синтетик матодан тайёр-ланган кийимлар киймаслик-ка ҳаракат қилинг. Кепка, шляпа ёки панамалар кийиш-дан уялманг. Чунки, офтоб уриши асосан бош қизган-да содир бўлади.

Бундай иссиқ кунда, кон-диционерсиз илҳом йўқ. Аммо, кун бўйи кондиционер-ли ҳонада бўлсангиз ҳам, шундай жойлашгани, ундан чиқаётган совуқ ҳаво тўғри-дан-тўғри сизга таъсир қил-масин.

Шерзод МУРОДОВ
тайёрлади



Хавфли вирус

Дунё бўйлаб компьютердан фойда-ланувчилар ўз техникаларида йўқотиб бўлмайдиган All-Radio 4.27 Portable зарарли дастурини учрата бошлашди. Илк бор ушбу вирус ҳақида Malwarebytes форумида сўз борди.

Маълум бўлишича, вирус асосан Windows дастурида ишлайдиган компьютерларни нишонга олган. Фой-даланувчилар имкон қадар ундан қуту-лишга уриниб кўришмоқда, бироқ ўчи-риб ташлаш йўлини топа олишмаяп-ти.

Аслида Россияда ишлаб чиқилган All-Radio 4.27 Portable дастури – бе-пул универсал плеер бўлиб, мусиқа эшитиш ва телекўрсатувларни томо-ша қилиш имконини беради. Номаз-лум ҳакевлар эса, уни ўзгартиришга ҳамда зарарланган дастурини ҳақиқий-сидек тарқатишга муваффақ бўлишган. BleepingComputer экспертлари фик-рига кўра, фойдаланувчиларнинг ак-сарияти Microsoft дастурларини фаол-лаштирувчи айрим маҳсулотларни юк-лаб олганларидан кейин ушбу вирус пайдо бўлган.

Xiaomi акциялари сотилди

Хитойнинг смартфонлар ишлаб чи-қарувчи Xiaomi компанияси Гонконг биржасида акцияларини сотувга чи-қарди ва 4,7 миллиард доллар жалб қилишга муваффақ бўлди. Компания-нинг янги инвесторларидан бири америкалик миллиардер Жорж Сорос бўлди. Бу ҳақда Bloomberg хабар берди.



Компания ҳар бирининг қиймати 2,17 долларлик 2,18 миллиард донга акция-сини сотишга муваффақ бўлган. Компаниянинг умумий қиймати айни пайтда 54 миллиард долларга баҳолан-моқда.

Xiaomi акцияларини харид қилган ин-весторлар орасида америкалик мил-лиардер Жорж Сорос ва Хитойнинг Hillhouse Capital инвестицион компания-си бор. Bloomberg маълумотларига кўра, Сороснинг фонди акцияларнинг кичик пакетини харид қилиш билан чек-ланган.

Интернет хабарлари асосида
Исломжон КАРИМОВ
тайёрлади

Тошкент вилояти касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси бошқарманинг молия бухгалтерия хизмати бош ҳисобчиси

Шерзод ТОҒАЕВНИНГ

вафоти муносабати билан мар-ҳумнинг оила аъзолари ва яқин-ларига чуқур таъзия изҳор эта-ди.

БОҒЧАНИНГ ЭНГ ЯХШИ ОШПАЗИ

Маълумки, ўтган йили мамлакатимизда янги – Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилиб, жойларда унинг бошқарма ва бўлимлари фаолияти йўлга қўйилган эди.

Танлов



Шу асосда мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали мутахассис-кадрлар билан таъминлаш, жаҳон стан-

дартларига мос равишда ривожлантириш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Биринчи бор ўтказила-ётган "Йилнинг энг яхши

мактабгача таълим муасса-саси ошпази" кўрик-танло-ви ҳам мактабгача таълим тизимига бўлган рағбат намунаси.

– Кўрик-танловнинг ви-лоят босқичи илк бор Охангарон шаҳрида старт олаётганлиги эса биз – соҳа ходимларига катта масъулият юклаши табиий, – дейди 8-МТМ мудираси Дилрабо Абдулазизова. – Танлов ошпазларимиз кас-бий маҳоратини ошириш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, янгиликлардан бохабар бўлишда ҳам кат-та аҳамиятга эга.

– Тарбияланувчилар-нинг жисмоний ва ақлий ривожига уларга берила-ётган озик-овқатлар алоҳи-да ўрин тутди. – дея таъ-кидлайди шаҳар МТБ му-дири Насиба Ўразметова. – Шу маънода, мазкур тан-

лов болажонларимизни соғлом вояга етказишдек эзгу мақсадларимизга ай-ни муштаракдир.

"Охангарон маданият ва истироҳат боғи"га танлов-нинг туман ва шаҳар бос-қичларида энг маҳоратли деб топилган иқтидорли ошпазлар йиғилиши. Бел-лашувни пойтахтлик тажри-бали мутахассислар баҳо-лаб боришди.

Танлов якунига кўра, Юқори Чирчик, Зангиота, Қибрай тумани вакиллари 1-, 2- ҳамда 3-ўринни қўлга киритишди. Ғолиб ва сов-риндорлар ташкилотчилар – Мактабгача таълим" ва-зирлигининг вилоят бош-қармаси ҳамда бошқа ҳам-кор ташкилотлар томонидан рағбатлантирилди.

Райхон САЛАЕВА
Нозим АБДУЛЛА
олган сурат

Хабарингиз борми?

Айни кунларда ижтимоий тармоқларда олий ўқув юртларида тўлов-контракт миқдорининг ошгани ҳақида хабарлар тарқалди. Хусусан, Xushnodbek.uz телеграмм каналида қайд этилишича, ҳақиқатан ҳам жорий йилнинг 1 сентябридан тўлов-контрактнинг янги нархлари белгиланган. Энг муҳим ўзгариш – эндилик-да олий таълим муассасаларидаги тўлов-контракт нархлари энг кам ойлик иш ҳақига боғлангандир. Бу, энди ҳар сафар иш ҳақлари кўтарилса, контракт нархи ҳам кейинги семестрдан ошиб боради, дегандир.

Шундай қилиб, янги ўқув йилидан бошлаб:

Бакалаврда:
энг арзон контракт – энг кам ой-лик иш ҳақининг 45 баравари, яъни 8 млн. 293 минг 500 сўм (илгари 6 млн. 650 минг сўм эди);
энг қиммат контракт – энг кам ойлик иш ҳақининг 60 баравари, яъни 11 млн. 58 минг сўм (илгари 9 млн. 850 минг сўм) ни ташкил этади.

Магистратурада эса:
энг арзон контракт – энг кам ойлик иш ҳақининг 49 баравари, яъни 9 млн. 30 минг 700 сўм (илга-ри 7 млн. 210 минг эди);
энг қиммат контракт – энг кам ойлик иш ҳақининг 66 баравари, яъни 12 млн. 163 минг 800 сўм (ил-гари 10 млн. 830 минг) га етди.

Шунингдек, махсус сиртқида:
энг арзон контракт – энг кам ой-лик иш ҳақининг 15 баравари, яъни 2 млн. 764 минг 500 сўм (илгари 2 млн. 220 минг бўлган);
энг қиммат контракт – энг кам ой-лик иш ҳақининг 27 баравари, яъни 4 млн. 976 минг 100 сўм (илгари 3 млн. 110 минг) миқдориди белгилан-моқда.

Кундузги сиртқида:
энг арзон контракт – энг кам ой-лик иш ҳақининг 49 баравари, яъни 9 млн. 30 минг 700 сўм;
энг қиммат контракт – энг кам ойлик иш ҳақининг 66 баравари, яъни 12 млн. 163 минг 800 сўм миқдоридадир.

2018 йил 1 июль ҳолатига корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумот

(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

тан қараганда 18,5 % га кўпдир. Энг кўп янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар Зангиота (275 та), Қибрай (250 та), Тошкент (193 та) ва Янгийўл туманларига (174 та) тўғри келади. Энг кам эса Пискент тумани, Охан-гарон шаҳри (68 тадан), Бекобод шаҳри (85 та), Бекобод ва Охангарон туманларида (87 тадан) ташкил этилган.

Агар иқтисодий фаолият турлари кесими-да кўрсак, энг кўпи саноатда (651 та), савдо-да (557 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжали-гида (477 та) ҳамда қурилиш (338 та) соҳа-ларида ташкил этилган. Энг кам эса соғлиқ-ни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (44 та), ахборот ва алоқада (60 та), ташиш ва сақ-лашда (99 та) ташкил этилганлиги кузати-лмоқда.

2018 йил 1 июль ҳолатига фаолият кўрса-таётган хорижий капитал иштирокидаги кор-хоналар сони 695 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 549 тага ёки 23,3 % га ўсган. Шунингдек, хорижий ка-питал иштирокида фаолият кўрсатаётган кор-хоналарнинг 412 таси қўшма, 283 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

Хорижий капитал иштирокидаги корхона-ларнинг асосий қисми Зангиота тумани 87 та (12,5 %), Қибрай тумани 78 та (11,2 %) ва Юқори Чирчик тумани 69 та (9,9 %) ҳиссала-рига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Бекобод 4 та (0,6 %), Пискент ва Бўка 6 тадан (0,9 %), Оққўрғон тумани 9 та (1,3 %) ҳамда Бекобод шаҳри 5 та (0,7 %) ҳиссала-

рига тўғри келади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвес-тициялар жалб қилиш борасида амалга оши-рилиши лозим бўлган ишларни янада ривож-лантириши талаб этади.

2018 йилнинг январь-июнь ойида хорижий капитал иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 101 тани ташкил қил-ган. Бу кўрсаткич, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 72 тага кўпайган ёки 3,5 баробарга ошган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаол-лият турлари бўйича кўрайдиган бўлсак, сано-атда 57 та, савдода 20 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 12 та, қурилишда 4 та, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 3 та, ташиш ва сақлаш ҳамда бошқа турларда 3 тадан, яшаш ва овқатла-ниш бўйича хизматларда 1 та хорижий капи-тал иштирокидаги корхоналар янги ташкил этилган.

2018 йил 1 июль ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 24,0 мингтани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2017 йил 1 июль ҳола-тига қараганда 13,1 % га ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирма-ларнинг асосий қисми яъни 2,8 мингтаси (11,6 %) Қибрай, 2,4 мингтаси (9,9 %) Зан-гиота, 1,8 мингтаси (7,5 %) Тошкент ҳамда 1,8 мингтаси (6,5 %) Юқори Чирчик туманла-ри ҳиссаларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фа-

олият кўрсатаётган жами 24,0 мингта кичик корхона ва микрофирмаларнинг 6,4 мингтаси (27,0 %) – савдода, 5,5 мингтаси (22,8 %) – саноатда, 3,2 мингтаси (13,3 %) – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 2,2 мингтаси (9,2 %) – яшаш ва овқатланиш бўйича хиз-матлар соҳасида, 2,1 мингтаси (8,9 %) – қурилишда, 1,0 мингтаси (4,1 %) – ташиш ва сақлашда, 0,4 мингтаси (1,7 %) – соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 0,3 мингтаси (1,6 %) ахборот ва алоқа соҳа-сида ҳамда 2,7 мингтаси (11,4 %) – бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрса-таётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турла-рига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

2018 йил январь-июнь ҳолатига 2,7 минг-тага яқин кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса 2017 йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 15,0 % га кўпдир. Энг кўп янги кичик корхона ва микрофирмалар Зангиота (264 та), Қибрай (236 та) ва Тошкент туманларида (173 та), энг кам эса Пискент (62 та), Охангарон (72 та), Бекобод (77 та) туманлари ва Нурафшон (78 та) ҳамда Охангарон (60 та) шаҳарларида ташкил этилган.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида эса энг кўпи саноатда (649 та), савдода (557 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (476 та) ва қурилишда (337 та), энг кам эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар (41 та), ахбо-рот ва алоқада (60 та) ҳамда ташиш ва сақ-лашда (97 та) ташкил этилган.

Тошкент вилояти
статистика бошқармаси

ЮР, КЕЧАМИЗ ЎЗИМИЗНИНГ ОСМОНЛАРГА...

Аввали...

Не тонги, айти шу саодатли кунларда барчамиз учун иснод бўлган хабар тарқалди – Каттақўрғон туманида ИИБ ходими ўғрилиқда гумон қилган аёлни номардларча ҳўрлаб, тасвирга олган! Уч-тўрт кундирки, ушбу машъум ҳодиса қалби уйғоқ кишиларни жунбишга келтириб, сўз айтишга, вазиятга шарҳ беришга чорламоқда.

Республика хотин-қизлар кўмитаси, Олий Мажлис депутатлари, ижодкорлар воқеадан каттиқ мутаассир бўлиб, ранжу аламларини кескир сўзларга ўраб айтишмоқда. Мен ҳам, ўз фаолиятини жамиятимизда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, ҳақ

хуқуқларини ҳимоя қилишга бағишлаган инсон сифатида, жуда-жуда музтар бўлдим. Бир гала "эркак"лар олдида ожиз ва забун турган ўша аёлни кучиб, йиғлагим келди. Бўғзимга қадалган йиғи

аралаш "Эй, ўзбек аёли, оразингни очма орсизга!" дея хайкиргим келди. Ёдингизда бўлса, Чингиз Айтматовнинг "Киёмат" романида она бўри – Акбара образи бор. У уч марта фарзанд кўради. Уч марта ҳам унинг дилбандини одамлар, шунчаки, кўнгилхушлик учун ов маҳали ўлдирди. Айтдиларки, Чингиз ога Европадаги бир хибонда юрган пайтида нотаниш аёл

унинг ёнига келиб: "Мени танидингизми?", дея йиғлаб савол беради. Сўнг лолу хайрон турган адибга ўқинч билан термулиб, секин пичирлайди: "Мен... Акбараман..."

Жилгаларнинг йўли осмонлар чўққилардан бошланади. Пастга қараб оқаётган шаддод ирмоқлар бир-бирига қўшилиб, чор-атрофга оби-ҳаёт, фаровонлик улашади. Курама ва Чотқол тоғ тизмаларининг этагида ястанган жаннатмонанд водий – ОХАНГАРОН замини ҳам неча асрларки, минг-минглаб тоғ жилгаларининг турфа ёқимли садоларига ҳўр бўлиб келаётгандек, гўё...

Англаганингиздек, бугунги саҳифамизда Охангарон туманининг бирда ана шу тоғ жилгаларидек шаддод, бирда лувқор тоғлар салобатидек оғир-вазмин, ҳаётнинг қувончидан қокимлай, ташвишида толиқмай умргузаронлик қилаётган мунис хотин-қизлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Бу лавҳани нега эсладим? Ўша сурбет ИИБ ходими қаршисида номуси ерпарчин бўлаётган, тутилганга мингминг пушаймон бўлиб, изиллаб йиғлаётган ким эди? У сиз, мен, ҳаммамизку! Ўша манфур қайсидир бир ожиза-

ни эмас, мухтарам ва улғу зот – аёлни таҳрирлайди! "Бу оламда аёл мадҳига дoston тугамайди", дея таъриф этилиши дунёимизнинг холи шуми?...

...Аллақаерларда, олис-олисларда юраги куйиб, охангароннинг Тошпўлат хофизини эзиб куйлайди: "Юр, кетамиз ўзимизнинг осмонларга..."

Келинг, шу ерда бир нафас тўхтаб, бир лаҳза лирик чекиниш қилайлик. Яхшиси, аввал туманимиз хотин-қизлари ҳаётидан шингил ҳикояларни ўқинг.

Сўнгра, суҳбатимизни келган жойидан давом эттирамиз. Хўпми?

Денгиз сатҳидан 2,5 метр баландликда Эртошда қишлоғи бор. Бу қишлоқ – Курама ва Чотқол тизмалари туташган жойда, Қамчиқ довоғи ўнгиридаги хушхаво бўстон. Шу атрофдаги Эртош, Бешқўл, Кўксарой, Қандир, Тангтопди каби қишлоқлар ёзнинг жазирасида ҳам, қишнинг қаҳратонида ҳам салқин. Уларнинг киши вужудига хуш ёқувчи ҳавоси бор.

Эртошда, денгиз сатҳидан 3,5 метр баландликда жойлашган машҳур чўққи ҳақида биласизми? Қорақуш чўққиси, дейдилар уни. Викор билан ўша-йиб турган Қорақушга нақ рўпарасидан, қуйдан тикиламан. Улкан бир қуш бостириб келаётгандек туюлади. Аммо...

Қорақушнинг ўтрасида бир жуфт фариштадек оққуш одамларга эзгулик ёғдусини улашиб тургани олдида бу ҳеч гап эмас. Насиба ҳожи она ва Имомали ҳожи ота Исабековлар қишлоқнинг файзи, меҳнатдан қадр топганлардан.

– Болам-ей, аёл дегич шундоқ ораста, покиза бир зот-да энди, – ҳожи онанинг дил дафтери очилади. – Эркагимиз ориятли, мард бўлса, бизнинг бахтимиз. Йўқса, шўримиз қурийдим,

Ах-ҳай, биродарлар, Насиба энамдан эшитганим бу гап, агарчи кўхна мантқ бўлса ҳам, чархи кажрафторнинг бебошга ошно қилгулик қилгуликларига тўсиқ бўлади. Нима дедингиз?

Шарифа АБДУРАХМОНОВА, "Маънавият ва маърифат" маркази туман бўлими раҳбари

Охангарон туманида 23 та серсув сой бор. Бу сойларнинг ҳар бирида ажаб тоғли, шифобахш чучук сув оқади. Курама ва Чотқол тизмаларининг ўртасидан олмос тасма янглиг Охангарон дарёси (қадимий Илоқ) айланиб оқади.

Хайрат

Эртошда бир жуфт оққушни кўрдим



рўзгордан файз кетади. Ҳожи отангиз билан 5 фарзандни улғайтирдик, 20 чоғли набиралар, дегандек. Ҳаммасига уқтираман – эркакиминг билаги, аёлни юраги полвон келади. Биз мерганлар авлодимиз. Эртошликлар тоғу тошларда ов билан машғул бўлган ориятли халқ. Овчи зоти пайт пойлайди. Сабр-тоқат қилади. Ҳаёт дегани ҳам шундай бўлса керак-да, айланай, болам. Тил ўлгуларнинг равиши чатоқ. Ноўрин, ножўя гапирсанг, ёмонларга, ёмонликларга ўлжа бўласан, армонда кетасан. Илоҳим, дунёдан ҳеч бир бандар армонда кетмасин...

Ах-ҳай, биродарлар, Насиба энамдан эшитганим бу гап, агарчи кўхна мантқ бўлса ҳам, чархи кажрафторнинг бебошга ошно қилгулик қилгуликларига тўсиқ бўлади. Нима дедингиз?

Шарифа АБДУРАХМОНОВА, "Маънавият ва маърифат" маркази туман бўлими раҳбари

ҚУРОҚЛАРДА ҚОЛИБ КЕТСИН МЕҲРИМ МЕНИНГ...

Кўксарой қишлоғи. Оддий ўзбекона хонадон. Мусаффо тоғ ҳавоси. Мен томонга қараб, охишта қадам ташлаб келаётган аёлга разм соламан – қачонлардир қирқ кокили тақимиға тушган, кўрганни мафтун қилган лобар қиз бўлган эканлар, дейман ичимда...

– Исмиим Ҳавониса, асли тоғнинг нариги ўнгиридаги қишлоқ бор-ку, Бешқўл, ўша жойданман, – дейди ая салом-алиқдан сўнг ва пешайвондаги бетартиброқ турган кўрпа-тўшакларга ишора қилиб, изоҳ беради: – Зерикхонимда қўлимга мато олиб, кураб-кураб тураман-да.

Момонинг қуроқларига назар ташлайман. Турган-битгани қўл меҳнати. Қуроқнинг битта қисмини биткашиш учун икки-уч кунлаб игнага кўз тикиб ўтириш керак. Ҳозирги ёшларнинг бунга сабри қайда?.. Қуроқи тўнлар, келин-куёвларнинг ёстиғига қоплама қуроқ, қуроқи дўппилар...

Дарвоқе, нега қуроқ? Бу сўзнинг маъноси нима?

– Ҳа, энди унчалик чуқур билмасман-ов, болам. Қадим замонларда бўйсара қизлар тўйига атаб, қуроқ кўрпа, чодир, чимилдик тикишган. Энди, ёшим бир жойга борганда англаяман – аёл зоти ҳис-туйғулари жўш урганда, соғинчлар, ҳижронлар, айрилиқлар дастидан озурда бўлганда, қалб кўрини қуроққа бахшида қиларкан. Шунданми, қуроқ инсонни ҳар балодан асрайди, дейдилар. Момоларим айтган: "Қуроғи бор хонадоннинг турмоғи бор..."

Феруза МАДАИПОВА, "Кўксарой" маҳалласининг оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси

Катта корхона, мавсум яқин, ҳаммага коржоме керак. Хўш, бу вазиятда нима қилган маъқул? "Охангарондон" акциядорлик жамияти раҳбарияти бу борада маҳалла, туман ҳокимлиги билан маслаҳатлашди. Кўплашиб маслаҳат қилинган, ишчилик даражаси юқори бўлган ҳудуд – Гулобод қишлоғида тикувчилик цехи очишга қарор қилинди.

Гулободлик Хуштарий



лиф! Мен бугун ўзимни катта жамоанинг бир бўлағи, деб ҳис қила бошладим... Хуштарий камтарлик қилди – мўлжални кенгроқ олишга ҳазм этмади. Бугун Хуштарий ва у каби минглаб қизларимиз Ўзбекистон аталмиш улкан ва муаззам қарвоннинг бахтиёр йўловчилари. Уларнинг ҳар бири тақдирга шукрона айтиб яшайдиган замонлар келди...

Хайрлашаётганимизда у бир гап айтди: "Момомга ўхшаб қуроқ тикишни ўргансам, дедим. Қуроқчилик қилсам бўладими? Эскилик сарқити эмасми бу? Харидори борми?" Қизим! Қуроқ тикишни ҳавас қилган оппоқ қалбингдан айланай! Сен тикажак қуроқнинг харидори эшик қоқиб турибди. "Ёр-ёр"лар садоси остида бахт уйига қадам қўйганингизда қолган гапни ўзинг тушунасан, азиз дилбандим...

Маҳмуд ХОЛТЎРАЕВ

Аёл Олам

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг қўшма лойиҳаси

«Кампирлар сим қокди...»

Гурунглашиб пилла тераётган кампирларнинг суҳбати кулогимга чалиниб қолди:

– Келин, ҳокимиятга телефон қилиб, Санталатбону ҳаммадан кўп пилла бераркан, деб айт!

Гап ташлаган тўладан келган онахонга қўшилиб, бошқалар ҳам қулди.

Эсимга Абдулла Қажорнинг машҳур "Кампирлар сим қокди" ҳикояси тушди. Ҳозиргилар ҳам бало, жисмида бурунгиларнинг қони бор-да.

Санталат Абдурафиқовани қўшиқ айтиб, пилла тутати, дейишади. Бўлса бордир. Толиққанда қўшиқ инсонга куч-қувват бағишлайди. Қолаверса, рўзғори бут, оиласи тинч инсонларнинг кайфияти ҳаммиша чоғ бўлади.

"Санталатбону чамани" фермер хўжалигининг "Отчолар" массивида тўрт гектар боғи бор. Кўз термасин, ҳосил чўғи эгасини бой

қиламан, деб турибди. Онахон боғда фарзанд-невараларини ишга солишдан ташқари, ҳар мавсум, бугунги сўрасангиз, 38 йилдан бери пилла тутати. Билагидан ҳали ёшлик кучи кетмаган Санталат ая бу йил бир қути ипак куртини анъанавий пиллакорлик ва илғор тажрибалар асосида парваришлаб, яхши ҳосил етиштирди. Албатта, иш енгил кечмади.



Турмуш ўртоғи Абдурашид, кўни-қўшиллар, болалар кўрт шоширганда елкадош бўлишди.

Икки кун ўтиб, онахоннинг келини менга "сим қокди". Давлатга 50 килограммдан зиёд "кумуш тола" топшириб, Абдурафиқовлар режани ортиги билан уддалашибди.

Абдушуккур НАВРЎЗОВ, меҳнат фахрийси

Mening oilam...

Bizning oila 4 kishidan iborat: onam, opam, ukam va men. Onam "Magnit" korxonasida ishlaydi. Opam va ukam menga mehnibon. Bizning oila juda ham baxtli. Bizda hamma bir-birini hurmat qiladi.

Uyda biror masalani hal qilmoqchi bo'lsak, har birmizning fikrimiz inobatga olinadi. Onam yolg'iz o'zi bo'lsa ham dadamning o'rnini bosishga harakat qiladi. Ham ota, ham ona bo'lib bizga juda mehnibon. Hech kimdan kam bo'lmisligimiz uchun hamma sharoitlarni yaratib qo'ygan. Opam - mening sirdosh, maslahatgo'yim, ukam esa himoyachim.

Oilam - mening baxtim. Men oilamsiz hayotimni tasavvur qila olmayman. Oila a'zolarim mening shu xliklarimni ko'tara oladi. Har qanday vaziyatda ham meni qo'llab-quvvatlaydi. Boshqalar bergan mehr oilanikiday beminnat va qaynoq bo'la olmaydi.

Insonning shakllanishi, hayotda o'z o'rnini topishi, el-yurt hurmatiga sazovor bo'lishida va voyaga etishida oila muhiti hal qiluvchi rol o'ynaydi. Oila shunday makonki, unda hayotning davomiyligini ta'minlovchi shaxs shakllanadi, milliy madaniyat, urf-odatlar, axloqiy qadriyatlar saqlanadi.

Har bir oila ahil va totuv bo'lsa, demakki, jamiyatda ham tinchlik va hamjihatlikka erishiladi. Yurtida osoyishtalik va barqarorlik hukm suradi.

Sarvinov AZBEKOVA, 11-umumta'lim maktabining 9-sinf o'quvchisi

Охири...



Зерикиб қолмадингизми? Суҳбатни қизитишга гап кўп-ку, аммо ҳамма гапни ёзиб, айтиб бўлмайди-да.

Жараён эса тўхтаб турмайди. Кимдир қаерда-дир сизга соғаяпти, оф-

тобру чайлада бояқиш аёл боласини эмизаяпти, тол тағидида омон салқинда тўпланган қизларнинг гурунги-га аралашмаган маъқул – қалб масаласи, кайвони онахон бозорга отланган – набирасига тўй бермоқчи, аммо...

...Аммо қайси бир чеккада, барчамизнинг кўз ўнгимизда бир муттаҳам шундай муқаррам зотни хўрлаяпти... Аёл олами бундай иснодга чидай олмайди. Шундай кезларда ҳассос шоиранинг ўлмас сатрлари таскинга келади:

Насиба ҒАФУРОВА, туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси

Ўзимизнинг Нилуфар

У 2015 йилда кичик болалар фольклор-этнографик жамоасига асос солди. Мазкур жамоа 2015 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган Республика Наврўз сайлида "Халқ уйинлари" йўналишида иштирок этиб, Охангарон тумани шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Бу дастанинг ўзига хос томони – тўгаракнинг барча қатнашчилари битта мактабдан, битта синфдан! Уларга боқиб, санъатда Тошпўлат Маткаримов яратган мактабнинг келажиги ишончи қўл-

ларда эканига амин бўласиз! Танишинг: доғруғи оламга таралган "Курама"нинг издоши – "Нилуфар" даврага кириб келмоқда! Шоира ТўЛАГАНОВА, ўқитувчи

Саҳифани "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари Б. ҚОЕУЛОВ, Н. ИСМОИЛОВ тайёрлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
12 598 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-58-85 (факс)
233-70-10
233-12-83
233-38-23, 233-48-08
233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва оператор Т. Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Абдусалим МАҲМУДОВ
Навбатчи
Зухриддин РАҲМОНОВ
Назоратчи мусахҳиҳ
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА

Манзил: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@umail.uz; th-tp@mail.ru. Буюртма V-1964. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 22.30.